

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 887-ҳадис

887 - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي حَدِيثِهِ الْمَشْهُورِ فِي الْإِسْرَاءِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «ثُمَّ صَعِدَ بِي جِبْرِيْلُ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا، فَاسْتَمْتَحَ فَقِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيْلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ. ثُمَّ صَعِدَ إِلَى السَّمَاءِ الثَّانِيَةِ وَالثَّالِثَةِ وَالرَّابِعَةِ وَسَائِرِهِنَّ، وَيُقَالُ فِي بَابِ كُلِّ سَمَاءٍ: مَنْ هَذَا؟ فَيُقُولُ: جِبْرِيْلُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 7517، م 162].

887. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинган машҳур Исро ҳодисаси ҳақидаги ҳадисда келтирилишича, «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Жаброил мени дунё осмонига кўтариб борди-да, очишларини сўради. **Мен Жаброил (алайҳиссалом) билан дунё осмонига кўтарилганимда, унинг очилишини талаб қилдилар. «Бу ким?» дейилганида, «Жаброилман», дедилар. «Сен билан бирга ким?» дейилганида, «Муҳаммад» (алайҳиссалом), дедилар. Сўнгра иккинчи ва учинчи, тўртинчи ва қолганларига кўтарилганларида, ҳар бир осмон эшигида: «Бу ким?» дейилди, «Жаброилман», дедилар.**

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Биринчи осмонни дунё осмони дейилишига сабаб, чунки у дунёга яқин бўлгани учундир.

Бу ҳадисдан ҳатто осмон аҳли ҳам изн сўрашлари буюрилгани билинади.

Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагичадир:

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Менга Буроқ келтирилди. - У эшакдан баланд, хачирдан паст, узун, оппоқ жонивор, туёқларини нигоҳи етган жойгача ташлайди - Унга миниб, Байтул-Мақдисга бордим. Уни пайғамбарлар (уловини) боғлайдиган ҳалқага боғлаб, кейин масжидга кириб, унда икки рақъат намоз ўқидим. Сўнгра чиқдим. Жаброил

алайҳиссалом менга бир идишда хамр, бир идишда сут олиб келди. Мен сутни танладим. Жаброил соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фитратни танладингиз», деди.

Кейин у мени (биринчи) осмонга олиб чиқди. Жаброил уни очишларини сўради. «Кимсан?» дейилди. «Жаброил», деди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», деди. «Унга (исро учун) элчи юборилдими?» дейилди. «Ҳа, унга элчи юборилди», деди. Шунда у бизга очилди. Қарасам, Одам (алайҳиссалом). У менга пешвоз чиқиб, ҳаққимга дуои хайр қилди.

Кейин Жаброил алайҳиссалом мени иккинчи осмонга олиб чиқиб, уни очишларини сўради. «Кимсан?» дейилди. «Жаброил», деди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», деди. «Унга (исро учун) элчи юборилдими?» деди. «Ҳа, унга элчи юборилди», деди. Шунда у бизга очилди. Қарасам, икки холавачча - Ийсо ибн Марям ва Яҳё ибн Закариё. - уларга Аллоҳнинг салавотлари бўлсин - Улар ҳам менга пешвоз чиқиб, ҳаққимга дуои хайр қилишди.

Кейин Жаброил (алайҳиссалом) мени учинчи осмонга олиб чиқиб, уни очишларини сўради. «Кимсан?» дейилди. «Жаброил», деди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», деди. «Унга (исро учун) элчи юборилдими?» дейилди. «Ҳа, унга элчи юборилди», деди. Шунда у бизга очилди. Қарасам, Юсуф соллаллоҳу алайҳи васаллам. Ҳуснинг ярми унга берилган экан. У ҳам менга пешвоз чиқиб, ҳаққимга дуои хайр қилди.

Кейин Жаброил алайҳиссалом мени тўртинчи осмонга олиб чиқиб, уни очишларини сўради. «Кимсан?» дейилди. «Жаброил», деди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», деди. «Унга (исро учун) элчи юборилдими?» дейилди. «Ҳа, унга элчи юборилди», деди. Шунда у бизга очилди. Қарасам, Идрис (алайҳиссалом). У ҳам менга пешвоз чиқиб, ҳаққимга дуои хайр қилди. Аллоҳ азза ва жалла: «Биз уни олий маконга кўтариб қўйдик», деган.[\[1\]](#)

Кейин Жаброил (алайҳиссалом) мени бешинчи осмонга олиб чиқиб, уни очишларини сўради. «Кимсан?» дейилди. «Жаброил», деди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», деди. «Унга (исро учун) элчи юборилдими?» дейилди. «Ҳа, унга элчи юборилди», деди. Шунда у бизга очилди. Қарасам, Ҳорун соллаллоҳу алайҳи васаллам. У ҳам менга пешвоз чиқиб, ҳаққимга дуои хайр қилди.

Кейин Жаброил алайҳиссалом мени олтинчи осмонга олиб чиқиб, уни очишларини сўради. «Кимсан?» дейилди. «Жаброил», деди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад», деди. «Унга (исро учун) элчи юборилдими?» дейилди. «Ҳа, унга элчи юборилди», деди. Шунда у бизга очилди. Қарасам, Мусо соллаллоҳу алайҳи васаллам. У ҳам менга пешвоз чиқиб, ҳаққимга дуои хайр қилди.

Кейин Жаброил (алайҳиссалом) мени еттинчи осмонга олиб чиқиб, уни очишларини сўради. «Кимсан?» дейилди. «Жаброил», деди. «Ёнингдаги ким?» дейилди. «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», деди. «Унга (исро учун) элчи юборилдими?» дейилди. «Ҳа, унга элчи юборилди», деди. Шунда у бизга очилди. Қарасам, Иброҳим соллаллоҳу алайҳи васаллам, Байтул маъмурга суяниб олибди. Қарасам, унга ҳар куни етмиш минг фаришта кирар экан ва қайта киришмас экан.

Кейин у (Жаброил алайҳиссалом) мени Сидратул мунтаҳога олиб борди. Қарасам, унинг барглари филнинг қулоқларидек, мевалари хумдек-хумдек. Уни Аллоҳнинг амри чулғаб олгач, ўзгариб кетди. У шу қадар гўзал эдики, Аллоҳнинг махлуқотларидан бирортаси уни таърифлай олмасди. Шунда Аллоҳ менга бир неча нарсаларни ваҳий қилиб, бир кеча-кундузда эллик маҳал намозни фарз қилди. Мен Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига тушдим. У: «Роббинг умматингга нимани фарз қилди?» деди. «Эллик маҳал намозни», дедим. У: «Роббингга қайтиб боргин-да, енгиллатишини сўра, чунки бунга умматингнинг кучи етмайди. Мен Бану Исроилни синаб, билиб бўлганман», деди. Мен Роббимга қайтиб бориб, «Эй Роббим, умматимга енгиллаштир», деган эдим, зиммамдан бештасини соқит қилди. Сўнг Мусонинг олдига қайтиб, «Зиммамдан бештасини соқит қилди», дедим. У: «Умматингнинг бунга ҳам кучи етмайди. Роббингга қайтиб бор-да, енгиллатишини сўра», деди. Мен Роббим табарока ва таоло билан Мусо алайҳиссалом ўртасида қайта-қайта бориб-келавердим, ниҳоят, У Зот: «Эй Муҳаммад, бу - бир кеча-кундузда беш маҳал намоздир. Ҳар бир намоз ўн ҳиссадир ва бу эллик маҳал намоз бўлади. Ким бир яхшиликка шайланса-ю, уни қилмаса, унга бир яхшилик ёзилади. Агар уни қилса, ўн баравар деб ёзилади. Ким бир ёмонликка шайланса-ю, уни қилмаса, унга ҳеч нарса ёзилмайди. Агар қилса, унга битта ёмонлик деб ёзилади», деди. Мен Мусо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига етиб бориб, буни айтган эдим. У: «Роббингга қайтиб боргин-да, енгиллатишини сўра», деди. Мен: «Роббимга қайтиб боравериб, У Зотдан уялиб кетдим», дедим». (Имом Муслим ривояти).

«Сидратул мунтаҳо» сўзи «ниҳоя дараҳти», «чегара дараҳти» деган маъноларни англатади. Ҳадисда таърифланишича, у улкан дараҳт бўлиб, чавандоз бир неча ўн йил от чоптирса ҳам, унинг сояси тугамайди. Унинг «ниҳоя» деб номланишига сабаб шуки, барча махлуқотнинг илми ўша жойгача етади, ундан уёғида нима борлигини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Фаришталар ҳам ундан уёғига ўта олмайдилар. Бу масала ҳам ғайбга тааллуқли бўлиб, у ҳақда оят ва ҳадисларда келган маълумотлар билан кифояланиш лозим. Унинг кайфияти ва бошқа жиҳатлари Аллоҳнинг Ўзигагина маълумдир.

---

<sup>[1]</sup> Марям сураси, 57-оят.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

